

Вилоятдаги бозорларда бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорини белгилаш тўғрисида

(Вилоят ҳокимининг 2016 йил 3 мартдаги 78-қ сонли қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 24 декабрдаги "Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорини белгилаш тўғрисида"ги №ММ/15-02-32-21/20 ва №26/1-1048-сонли қўшма қарори талаблари асосида вилоят бозорларида жорий йил учун бир марталик жой ҳақи, ижара ва бошқа пуллик хизматлар учун тўловларнинг минимал миқдорларини жорий этиш ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунининг 6-25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят молия бошқармаси (№05-0180; 25.01.16й.), Давлат солиқ бошқармаси (№01-632; 25.01.16й.) ва "Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари" уюшмасининг (№1/1-36; 21.01.16й.) "Вилоят бозорларида бир марталик жой ҳақи ва пуллик хизматлар кўрсатиш бадалларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги таклифлари маъқуллансин.

2. Вилоят бозорларида ер майдонлари, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ва жихозларнинг ижараси, пуллик хизмат тўловлари ҳамда бир марталик жой ҳақи миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

3. Вилоят молия бошқармаси (М.Сидиқов) вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Т.Қутибоев) ва "Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари" уюшмаси (Х.Мамарасулов) билан биргаликда:

-янги жорий этилаётган жой ҳақи ва кўрсатилган пуллик хизматлар учун тўловлар миқдорларидан келиб чиққан ҳолда бозорларга ойлик ва чораклик тушум режаларини белгилаб, уларнинг бажарилишини ҳамда 50 фоизини маҳаллий бюджетга йўналтирилишини қатъий назорат қилиш;

-бозорлар ва савдо комплекслари томонидан жой ҳақи ва мажбурий хизматлар тўловларини тўлиқ ундирилаётганлиги устидан ҳар ойда мониторинг кузатуви олиб бориш ҳамда натижалари юзасидан вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят телерадиокомпанияси (И.Зуфаров)га ҳамда "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталари муҳарририяти (А.Абдуллаев)га вилоят бозорлари ва савдо комплексларида бир марталик жой ҳақи ва пулик хизмат тўловларини янги жорий этилаётган миқдорлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. "Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари" уюшмаси (Х.Мамарасулов)га барча турдаги бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари билан биргаликда янги тасдиқланган "Вилоятдаги бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорлари тўғрисида"ги маълумотларни бозорлар ва савдо комплексларининг барча кириш жойларига илиб қўйиш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2015 йил 28 февралдаги "Вилоятдаги бозорларда бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорини белгилаш тўғрисида"ги 55-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор лойиҳаси вилоят ҳокимлигининг Веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эгамбердиев ва вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Б.Юлдашев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Аслига тўғри

Ш.Абдураҳмонов